

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИНИ САФАРБАР ЭТИШ ШАКЛЛАРИ (1946-1950 йиллар)

Мадреймов Е.

*Ўз ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти мустақил  
тадқиқотчиси, Нукус ш.*

Урушдан кейинги дастлабки йилларда деҳқон хўжаликларига нисбатан давлат амалиётидаги талабчанликни камайтириш бўйича алоҳида чоралар амалга оширилди. Уларнинг зиммасидан ўтган йиллардаги чорвачилик маҳсулотларини давлатга мажбурий етказиб бериш мажбурияти олиб ташланди, солиқ миқдори 2,5 баравар камайтирилди. 1946-1950 йилларда истеъмол товарлари учун давлат чакана нархлари уч баравар камайтирилди. 1946 йилнинг 2 июлидан бошлаб саноатда ишлаб чиқариладиган пойафзал (42% га), калиш (57% га), трикотаж (30% га), совун (46% га), алюмин костреюлкалари (54% га) ва бошқа маҳсулотлар нархлари пасайтирилди. Шу билан бирга 1947 йилда пул ислоҳоти ўтказилди, озиқ-овқат карточкалари бекор қилинди. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларига давлат нархлари ўрнатилди, жумладан, бугдой унининг 1- нави ўртача 8 рубл, оқ канд – 15 рубл, бир литр сут-3-4 рубл, 100 грамм байха чойи (1-нави) - 16 рубл турган. Яъни нархлар ўртача 17% га, 1947 йил охиридан 1949 йилга қадар 14% га, 1950 йилнинг 1 мартдан бошлаб яна 20% га (1949 йилдаги ва 1947 йил декабрдаги нархларга нисбатан) ўртача 43% га) камайтирилган.

Қишлоқ хўжалигини тиклаш бўйича давлат томонидан амалга оширилган бу каби чора-тадбирлар қишлоқ аҳолисининг меҳнатидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва моҳиятан уни ҳарбийлаштиришни кўзда тутар эди. Масалан, “жамоа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги артеллари Низомини бузилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жамоа хўжаликларининг иқтисодий мустаҳкамланишига ёрдам берадигандек кўринса-да, аксинча, Қорақалпоғистондаги деҳқонларнинг кенг қатлами моддий аҳволига сезиларли таъсир кўрсатди. Масалан, 1948 йилнинг охирига келиб республика бўйича деҳқонлардан 5791 га ер, 3992 бош турли чорва моллари, 12492 центнер дон ва 1653 центнер бошқа маҳсулотлар, шунингдек, 820 минг. рубл миқдоридаги пуллари олиб қўйилди. Кейинги 1949-1950 йилларда яна 1984 гектар ер, 3562 қорамол ва 1533 тонна дон жамоа хўжаликларига берилди [1]. Бу чора-тадбирлар маъмурий босимлар ва меҳнатига кам ҳақ тўланаётган оддий деҳқонларни мажбурлаш йўли билан бирга олиб борилди, бу эса уларнинг моддий турмуш даражасини пасайишига олиб келди. Масалан, 1948 йилги экин экиш кампанияси даврида ЎзССР Вазирлар Кенгаши ва ЎзССР КП МҚ барча давлат ва жамоа хўжаликларида меҳнат қилаётган деҳқонлар, тракторчи, механик, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ишчи ва ходимларга хат орқали мурожат қилиб, овул ва қишлоқларидаги барча меҳнатга лаёқатли аҳолини дала ишларига кенг жалб қилишга даъват этди.

Шундан сўнг Қорақалпоғистонда барча аҳолини дала ишларига оммавий мажбурлаш тадбирлари бошланиб кетди. Мисол учун, архив материалларига кўра, агар 1948 йилнинг 5 майи ҳолатига 50,770 нафар киши жамоа хўжалиги ишларида қатнашган бўлса, 15 июнига келиб бу меҳнатга жалб қилинганлар сони 81830 кишига етган. Шундан 62 338 нафари пахта етиштириш ишларида фойда юритган. Расмий ҳужжатларда “жамоа хўжалигида меҳнат қилаётганлар сони аввал ишламай, жамоа хўжаликларига қайтган кишилар ҳисобига оширилган” [2] и ҳам кўрсатиб ўтилади. Ушбу тадбирларнинг барчаси мажбурлаш ва бошқарув йўли орқали амалга оширилди, бунга қўллаб-қувватлаш ва жамоа хўжаликларидаги бошқарув аппарати сонининг ортгани билан изоҳлаш мумкин. Архив ҳужжатларидаги маълумотларида ҳам “маъмурий ва техник ходимларни қисқартириш борасида кўпинча маъмурий-бошқарув харажатларининг камайиши эмас, балки уларнинг ортганлиги” кўрсатиб ўтилади. Тахтакўпир туманининг 9 та ортда қолиб кетган жамоа хўжаликларида ўтказилган текширувлар давомида 1947 йилда ушбу жамоа хўжаликлари учун маъмурий ва бошқарув харажатлари 13,4% ни, 1948 йил 1 апрел ҳолатига 17,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 1947 йилдан 1948 йилнинг 1 июнига қадар “Авангард” жамоа хўжалиги маъмурий ва бошқарув харажатлари 9,8 фоиздан 24 % гача, Молотов номли жамоа хўжалигида эса 12,6% дан 21,7% гача ўсган” [3]и аниқланган. Меҳнатни меъёрлаштиришдаги бузилишлар, иш ҳақини нотўғри ҳисоблаш ва деҳқонлар маошларини ўз вақтида берилмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар хўжалик аъзоларининг норозиликларини келиб чиқишига сабаб бўлган. СССР ҳукумати ҳузуридаги Жамоа хўжаликлари иши бўйича Кенгашининг Қорақалпоғистон АССРдаги вакили Т.Шумакаевнинг маърузасида ҳам ЎзССР Вазирлар Кенгашининг пахта хом ашёсини етиштиришга оид қарорининг 10-банди ўта қониксарсиз равишда бажарилаётгани, маҳаллий органлари жамоа хўжалиги аъзоларига давлатга топшириладиган пахта ҳисобидан нон ва саноат товарлари иш ҳақи сифатида берилаётгани таъкидлаб ўтилади. Бироқ, Т. Шумакаевнинг гувоҳлик беришича, баъзи жамоа хўжалиги кенгашлари олдиндан тўланадиган иш ҳақини бошқа хўжалик эҳтиёлари учун сарфлаган [4]. Режага мувофиқ, пахта йиғим-теримига 61500 киши сафарбар этилиши керак эди, ҳақиқатда эса пахта далаларида 42000 киши меҳнатга жалб этилган, бунда ҳар бир пахтакорга кунига ўртача 19-20 кг тўғри келган. Жамоа хўжалигида меҳнат қилмаган ва бирорта иш кунига эга бўлмаган кишиларга ноқонуний ойлик маош тўлаш ҳоллари ҳам учраб турган.

СССР Вазирлар Кенгашининг 1948 йил 19 апрелдаги “Жамоа хўжаликларини ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бошқарувнинг барча аъзолари, маъмурий-хизмат кўрсатиш ходимлари жамоа хўжалиги ишларида бевосита иштирок этиши, энг ози билан 25 фоиз иш кунини ўтаб беришлари керак эди. Бироқ амалда

бу кўрсатмалар бажарилмас эди, шундай бўлса-да, жамоа хўжалиги, овул кенгашларининг раислари, партия ташкилоти котиблари каби ходимлар ва ҳатто уларинг қариндошлари ҳам ишламаган кунлари учун даромад олаверган. Масалан, республикада фаолият юритган "Қизил Қорақалпоғистон" газетаси жамоа хўжаликларида ишловчи кишиларга товарларни тарқатиш тизимидаги қонунбузарликлар ҳақида шундай ёзади: "Қўнғирот туманида жойлашган Будённий номли колхознинг 9-овулида деҳқонлар меҳнат ҳақи учун ажратилган 4180 кг буғдой изсиз ғойиб бўлган. Шунингдек, 359 метр газламанинг атиги 191 метри колхозчилар ўртасида тақсимланган, унинг қолган қисми колхоз маъмуриятининг қолган аъзолари томонидан ўзаро бўлиб олинган" [5]. Шунингдек, айрим ҳудудларда жамоа хўжаликлари аъзоларининг маошлари омонат кассасига берилган. Ушбу хўжалик раҳбарлари эса пулларни ўз эгаларига топширмай, ўз хоҳишича ишлатган ҳолатлар ҳам учрайди [6]. Маъмурий бошқарувдаги бу каби салбий ҳолатлар пахта экиладиган майдонларни кўпайтириш жараёнида ҳам кузатилади. Масалан, 1949- йилнинг баҳорида Куйбишев туманидаги туман партия қўмитаси котиби Пирназаров ва туман ижроия қўмитаси раиси Қутлымуратов жамоа хўжалиги раислари орқали жамоа хўжалиги аъзоларига тегишли томорқа ерларига пахта чигити эктирган [7], бу ўз навбатида деҳқонларнинг адолатли норозиликларини келтириб чиқарган. Чимбой туманидаги Охунбобоев жамоа хўжалиги мисолида эса пахтанинг бошқа экинларга қараганда кўпроқ ер майдонини эгаллаганини кўриш мумкин. Бу борада Т.А. Жданко шундай ёзади: "Охунбобоев жамоа хўжалиги Чимбой туманининг Кенес овули кенгашидаги 4170 гектар майдонни эгаллайди, шундан 2000 гектарга яқини суғориладиган ҳайдалган унумдор ерлар, хўжаликнинг қолган (208 гектар) ерлари ўтлоқзор ва пичанзорларни, (233 гектари) суғориш тармоғи тўрларини, (тахминан 450 гектари) қумлоқ ерларни ташкил этади. Жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаларида 430 бош қорамол, 500 дан ортиқ қўй ва эчки ва 440 та от мавжуд. Жамоа хўжалиги 214 та хўжалигини бирлаштириб туради; унинг умумий аҳолиси 1547 кишидан иборат. Қишлоқ хўжалиги экинлари орасида пахта (455 га) ва беда (370 га) асосий ўринни эгаллайди. Улардан кейинги ўринда буғдой (110 гектар), гуруч (75 гектар), жўхори (40 гектар), мош (35 гектар), арпа (30 гектар) ва ҳоказолар туради. 10 гектар ерни полиз экинларига, ҳар бири 5 гектарни ташкил қилган ер эса томорқа, боғ ва узум ҳамда тут дарахтлари учун ажратилган" [8].

Бундай вазият натижасида меҳнат интизоми пасайиб кетди, бора-бора одамларнинг жамоат ишларида иштирок этиши камайиб борди, норози кишиларнинг бир қисми бошқа ҳудудларга кетишга мажбур бўлди. Масалан, 1948 йили 327 та жамоа хўжалигидан 3311 киши (шундан 378 таси – республикадан ташқаридаги ерларга) ихтиёрий равишда кўчиб ўтган [9]. 1948 йилнинг 2 июнида СССР Олий Кенгаши Президиумининг "Қишлоқ хўжалигидаги ишлардан бўйин товлаган нияти бузуқ, аксилжамоавий ва бошқаларнинг ҳисобига ҳаёт кечирувчи текинхўр шахсларни алоҳида чекка ҳудудларга кўчириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган. Ушбу фармон асосида 1948-1949 йиллари Қорақалпоғистондан СССРнинг алоҳида ҳудудларига 89 киши кўчирилган [10]. "Текинхўр" сифатида айбдор деб топилган фуқаролар сургуннинг 5 йилини ўтаб бўлгандан сўнггина шикоят аризаси билан мурожаат қила олар, фақат туман ижроия қўмитаси илтимосномаси билан билангина аввалги яшаш жойига қайта олиш ҳуқуқига эга эди. Архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, шикоят аризаси билан мурожаат қилганларнинг анчагина қисми ўз аризаларига салбий жавоб олиб, сургунда 8 йилни тўлиқ ўташга мажбур бўлган. 1949 йилда СССР ҳукумати ҳузуридаги Жамоа хўжаликлари бўйича Кенгашнинг Қорақалпоғистон АССРдаги вакили Т.Шумакаев республиканинг бир қатор туманларини текширувдан ўтказди. Текширув якуналаридан сўнг у "36312 жамоа хўжаликларидаги томорқа ерларини ўлчаш жараёнида 4862 та хўжалик текширувдан ўтказилгани, бунинг натижасида 331 гектар ер аниқланганини" ёзади. "Агар 1949 йилда республикадаги барча жамоа хўжаликлари тўғри ва виждонан текширилса, - деб ёзади у, - жамоат ерларини талон-тарож қилиш ва ўринсиз исроф қилишлар янада кўпроқ бўлиши мумкин эди" [11]. Бу даврда ички миграция жуда кучли бўлган, аҳолининг маълум бир қисми Туркменистонга кўчган. "Раислар ишчи кучини камроқ қилиб кўрсатиш учун жамоа хўжаликлари янги келганларни кўпинча яширадилар, - деб ёзади Т. Шумакаев, Одатда бундай миграция йўғим-терим тугагандан сўнг, киш фасли ҳамда экиш кампанияси бошланишидан олдинги баҳор фаслига тўғри келар эди. Ёрдамчи хўжаликлар (чорвачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик)нинг ялпи маҳсулоти қишлоқ хўжалигининг ўсишига нисбатан ҳар доим юқори бўлганига қарамай, давлат хусусий мулкнинг ҳар қандай кўринишини таг-тути билан йўқ қилишни ўзининг асосий вазифаларидан деб билган партиянинг изидан борди.

ЎзССР Вазирлар Кенгаши ва ЎзССР КП МҚнинг 1950 йил 24 январдаги 79-сонли "ЎзССР жамоа хўжаликлари ҳовлиларидан шахсий мулк сифатида фойдаланганлик учун чорвадан моллари ва томорқа ҳудудлари меъёрларини қисқартириш тўғрисида"ги қарори билан уруш йиллари бўш ётган ерларни ўзлаштириш ҳисобига бир неча мартага кенгайган томорқа ерларига қатъий ўлчовлар ўрнатилди. Уларга 0,12 гектарлик меъёр ҳам киритилди, шундан 0,01 гектар ер турар-жой бинолари қурилиши учун мўлжалланган.

Томорқа ерларининг ортиб қолган қисми жамоа хўжаликларига қарашли жамоат ерлари сифатида тақсимлаб берилган. Бу жамоа хўжаликларига қарашли талон-тарож қилинган жамоат ерларини "қишлоқ хўжалиги артеллари Низоми"ни бузилишларини бартараф этиш ҳаракати эди. Мана шу йўл билан республика жамоа хўжаликларининг 2622 гектар ери қайтариб берилган. Автоном республиканинг барча жамоа хўжаликлари ва туманларида шахсий фойдаланиш учун чорва моллари ўлчови куйидагича ўрнатилган: бир бош сигир, 2 бош бузоқ, насли чўчка, 6-8 бош майда қорамол, сони чекланмаган кўпгина қушлар [12]. Барча ортиқча қорамоллар чорвачилик фермаларини тўлдириш учун жамоа хўжаликларига берилган. Бу тадбирлар албатта, жамоа хўжалиги аъзоларининг моддий аҳволига кескин таъсир кўрсатди. Шунга қарамай, Қорақалпоғистон Вилоят партия қўмитаси бюроси ва Қозоғистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1950 йил 22 июндаги қарорида қишлоқ хўжалиги артели Уставининг бузилиш ҳоллари давом этаётгани кўрсатиб ўтилди.

СССР ҳукумати ҳузуридаги Жамоа ҳўжалиги кенгашининг Қорақалпоғистон АССР бўйича вакили 1950 йилда ҳатто Уставни бузиш ҳолатлари кўпайганини таъкидлаб ўтади.

Архив ҳужжатлари маълумотларига кўра, "Агар 1949 йилда жамоа ҳўжаликларига тегишли 510 гектар майдонга эга жамоат ерлари ўзбошимчилик билан тортиб олинган 6644 та ҳолат аниқланган бўлса, 1950 йилда республиканинг 180 та текширувдан ўтказилган жамоа ҳўжаликларида 14490 та бу каби ҳолатларга йўл қўйилган. 1949 йилда республика жамоа ҳўжаликларида 227 бош қорамол талон-тарож қилинган, 1950 йилнинг 1 октябрида олиб борилган текширувлар натижасида республиканинг 7 та туманидаги жамоа ҳўжаликларида 3936 бош қорамол, 560 центнер ғалла ва 265168 рубл пул ўғирлангани аниқланган" [13]. Шунингдек, олиш керакки, ўғирлик ва талончиликлар билан асосан масъул шахслар – жамоа ҳўжаликлари бошқаруви раислари, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, ҳисобчилар шўғулланган. Архив ҳужжатларида ҳам "Кўплаб жамоа ҳўжаликларида ҳўжалик ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузувчилар жамоа ҳўжаликлари раҳбар кадрлари, шунингдек, туман ташкилот ходимлари ҳисобланган" [14] лиги кўрсатиб ўтилади. Ишланган кунларни ҳисобга олмаган ҳолда жамоа ҳўжалиги аъзоларига пул мааблағлари ва дон тарқатилган ҳолатлар ҳам учраб турган. Асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланмаслик ҳам Низомнинг бузилиши сифатида қаралган: одатда туман кўмиталари ва туман ижроия кўмиталари раҳбарияти аксарият ҳолларда ҳеч қандай шартномасиз ва тўлов тўламаган ҳолда жамоа ҳўжалиги машиналари, отлар, чорва моллари ва бошқалардан (қурилишда ишларида, одам ташиш, шаҳарга ёки узоқ овулларга чиқиб келиш, ҳамда шахсий мақсадларда) фойдаланган. Шунингдек, давлат таъминоти меъёрлари жуда юқори ёки фактик жиҳатдан уларни ҳатто бажариш имконсиз бўлган вақтларда жамоа ҳўжаликлари томонидан етказиб берилиши керак бўлган дала маҳсулотларини ҳисоблаш тамойилларида ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Бундан ташқари, пахта тайёрлаётган жамоа ҳўжаликларининг пахтакорлари меҳнати эвазига тўланадиган ҳақ сифатида ажратилган донни ғалла етиштириш билан шўғулланувчи жамоа ҳўжаликларида уруғ бериб "ёрдам" кўрсатиш ва шу йўл билан донни тортиб олиб қўйиш амалиёти ҳам қўлланилган. Масалан, 1947 йилда пахта етиштирувчилар иш кунлари учун беришга мўлжалланган 110 395 тонна бугдойнинг катта қисми ғалла етказиб бериш режасини бажариш, ғаллачилик ҳўжаликларида ёрдам шаклида ажратиш ва бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилган.

Жамоа ҳўжаликларида ишловчи деҳқонларнинг норозилиги овул-қишлоқ бошқаруви ҳамда аҳолининг асосий қисмини бир-биридан бегоналашувига, жамоат мулкларини талон-тарож қилинишига олиб келган. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини қайта тиклаш ва жадаллаштириш шиори остида иқтисодиётга боғлиқ бўлмаган қатъий ва ярим ҳарбийлашган маъмурий кўрсатмалар билан барча меҳнат ресурсларини сафарбар қилиш чора-тадбирлари амалга оширилди.

#### АДЕБИЁТЛАР

1. ҚР МДА, Р-551-фонд, 7-йиғмажилд, д. 3, 18-варақ; 498-йиғмажилд, 54-варақ.
2. ҚР МДА, Р-551-фонд, 6-рўйхат, 756-йиғмажилд, 62-варақ.
3. ҚР МДА, Р-551-фонд, 6-рўйхат, 756-йиғмажилд, 62-варақ.
4. ҚР МДА, 344-фонд, 1-рўйхат, 55-йиғмажилд, 12-варақ.
5. Кызыл Каракалпакстан, 1946, 15 июль.
6. ҚР МДА, ф. Р-322, 1-рўйхат, д.1693, л.68, л.98; ф.1, оп.9, д.256, л.62.
7. ҚР МДА, ф. 344, 1-рўйхат, д.55, л.14.
8. Жданко Т.А. Быт каракалпакского колхозного аула (Опыт этнографического изучения колхоза им. Ахунбабаева Чимбайского района Каракалпакской ССР) // Советская этнография. 1949, № 2. 35-58-бб.
9. ҚР МДА, Р-551-фонд, 7-рўйхат, 202-йиғмажилд, 3-варақ.
10. ҚР МДА, Р-229-фонд, 1-рўйхат, 898-йиғмажилд, 1-варақ.
11. ҚР МДА, 334-фонд, 1-рўйхат, 55-йиғмажилд, 18-варақ.
12. Ўша жойда, 7-варақ.
13. ҚР МДА, ф. Р-322, 1-рўйхат, 1597-йиғмажилд, 2-варақ.
14. ЦГА РУз, ф. 2455, оп. 1, д. 94, л. 28.

*Қорақалпоғистон қишлоқ ҳўжалигида меҳнат ресурсларини сафарбар этиш шакллари (1946-1950 йиллар)*

**Rezyume:** Bu maqolada Qoraqalpogiston qishloq xo'jaligida mehnat resurslarini safarbar qilish formalari o'rganilgan.

**Tayanch so'zlar:** Tomorqa yerlari, paxta chigiti, dehqonlarning mehnat resurslari, qishloq xo'jaligi.

*Формы мобилизации трудовых ресурсов в сельском хозяйстве Каракалпакстана (1946-1950 годы)*

**Резюме:** В данной статье рассматриваются формы мобилизации трудовых ресурсов в сельском хозяйстве Каракалпакстана.

**Ключевые слова:** приусадебные земли, семена хлопка, трудовые ресурсы фермеров, сельское хозяйство.

*Forms of labor mobilization in the agriculture of Karakalpakstan (1946-1950)*

**Summary:** This article examines the forms of labor resource mobilization in the agriculture of Karakalpakstan.

**Key words:** homestead land, cotton seed, labor resources of farmers, agriculture.

## ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ ХУСУСИДА

Азимова Ф.П.


*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти*

Ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида бозорни ўрганиш маълум ҳажмдаги сотишни амалга ошириш, бозорга янги маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш, шунингдек бозор улушини ошириш каби мақсадларга

эришиш учун ахборот асоси бўлиб хизмат қилади. Ушбу мақсадларни белгилаш биз маълум бир маҳсулот бозори ҳақида гапирётганимизни назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги фармони қабул қилинди [1]. Унга кўра саноатнинг «драйвер» соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, тўқимачиликда ип калавани қайта ишлаш даражасини 100 фоизга етказиш ҳамда юқори сифатли матога талабни қондириш учун 400 минг тонна сунъий ва аралаш тола ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, чарм-поябзал саноатига 30 дан ортиқ нуфузли хорижий брендларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қийматни 5 баробарга ошириш кўзда тутилган. 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди. Унга кўра “Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш” бўйича қарор қабул қилинган [2]. Бозор шароитида ишлайдиган ҳар қандай корхона учун асосий вазифа фойда олиш ва уни максимал даражага кўтаришдир. *Фойда* ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасидир ва шу билан бирга корхонанинг ўзини ўзи молиялаштириш учун зарур бўлган асосий молиявий ресурси вазифасини бажаради; ижара, дивиденд ва фоизларни тўлаш; захираларни шакллантириш.

Фойда иқтисодий категория сифатида тадбиркорлик фаолияти жараёнида моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадни акс эттиради. Фойда - бу ишлаб чиқариш самарадорлигини, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва сифатини, меҳнат унумдорлиги ҳолатини, таннарх даражасини энг тўлиқ акс эттирувчи кўрсаткичдир. Шу билан бирга, у тижорат ҳисобини кучайтиришга, ҳар қандай мулк шаклидаги ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Фойда ҳам молиявий натижа, ҳам компаниянинг молиявий ресурсларининг асосий элементи. Ўз-ўзини молиялаштириш тамойилининг ҳақиқий таъминланиши олинган фойда билан белгиланади. Ҳақиқат шундаки, молиявий мустақиллик ва мустақилликни қўлга киритган корхонанинг акциядорлик, ижара, хусусий ёки бошқа мулк шакли, бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан кейин қолган фойдани қайси мақсадларда ва қанча миқдорда йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир (1-расм).



1-расм. Қарорлар дарахти (муаллиф ишланмаси)

Шу билан бирга, корхона ўз фаолиятини мустақил равишда амалга оширадиган иқтисодий субъект сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотни ва унинг ихтиёрида қолган соф фойдани тасарруф этади. Шу билан бирга, мулкчиликнинг турли шакллари шароитида корхоналарнинг тадбиркорлик фаолияти нафақат мулк эгаларининг ҳуқуқларини тақсимлаш, балки уни оқилона бошқариш, молиявий ресурсларни, шу жумладан фойдани шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш учун жавобгарликни оширишни ҳам англатади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан кейин корхона ихтиёрида қолган соф фойданинг улуши ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, корхонанинг илмий-техник ва ижтимоий ривожланишини, ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш учун етарли бўлиши керак.

Тадқиқот жараёнида рентабельликни ошириш учун мақсадлар дарахти қурилган бир қатор ғоялар таклиф қилинди: Иерархияни таҳлил қилиш усули бу муамманинг моҳиятини белгилайдиган элементларни иерархик тарзда намоиш қилишнинг тизимли жараёнидир. Усул муаммони тобора оддийроқ қисмларга ажратиш ва қарор қабул қилувчининг қарорларини кетма-кет таққослаш орқали қайта ишлашдан иборат. Натижада, иерархиядаги элементларнинг ўзаро таъсирининг нисбий даражаси (интенсивлиги) ифодаланиши мумкин. Кейин ушбу қарорлар рақам билан ифодаланади. ИТҚ кўплаб бошқарув қарорларини синтез қилиш, мезонларнинг устуворлигини олиш ва муқобил ечимларни топиш тартиб-қоидаларини ўз ичига олади. Танлаш муаммосини ҳал қилишнинг бундай ёндашуви одамларнинг мантикий ва ижодий фикрлаш, ҳодисаларни аниқлаш ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрнатишнинг табиий қобилиятдан келиб чиқади.

01.01.2022 йил ҳолатига «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибида жами 1969 та ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритган. Сўнгги йилларда компания ўз фаолиятини тобора кўпроқ бозор



конъюнктураси ва рақобатга кўпроқ эътибор қаратиб ташкил этмоқда. Корхонани қайта йўналтириш жараёни ишлаб чиқариш кўлами, ассортиментнинг кенглиги ва корхона бир вақтнинг ўзида бир нечта истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиши билан мураккаблашади. Худди шу сабабларга кўра корпоратив маркетинг турли хил маҳсулот гуруҳлари учун ишлаб чиқилган бир неча стратегияларга асосланади. Иерархияни таҳлил қилиш усулидан фойдаланган ҳолда самарали бошқарув ечимини танлаётганда, умумий мақсад рентабелликни максимал даражага кўтариш бўлади. Кўриб чиқиладиган муқобиллар ривожланишининг мумкин бўлган йўналишларидан бирига устунлик беради. Бу соҳалар: калава ип ишлаб чиқариш, хом сурп ишлаб чиқариш, газлама ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ушбу фаолият йўналишлари самарадорлигини баҳолаш учун баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва интеграл баҳолашни аниқлашда уларнинг нисбий аҳамиятини аниқлаш зарур.

Ушбу мақсадга эришиш учун рентабелликни максимал даражага кўтариш учун маълум бир фаолият йўналишини танлашнинг асосий мезони унинг рентабеллиги бўлади. Шунингдек, мақбул бошқарув қарорини белгилашда қуйидаги йўналишлар: ушбу йўналишнинг истиқболлари, сармояларга бўлган эҳтиёж ва замонавий фаолиятни бошқариш услубларига эҳтиёж кўриб чиқилади, уларга мос равишда 0,2, 0,1 ва 0,3 нисбий оғирликлар берилди. Кейинги кадам, жуфт таққослаш усули ёрдамида иерархиянинг барча элементларини биринчи ўринга қўйишдир.

«Рентабеллик» мезони бўйича жуфтлик билан таққослаш 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал. «Рентабеллик» мезонига кўра жуфт таққослаш**

|                                 | Ип калава<br>ишлаб чиқариш | Хом сурп ишлаб<br>чиқариш | Газлама ишлаб<br>чиқариш | Тайёр маҳсулот<br>ишлаб чиқариш | $\Sigma$ | $W_{ii}$ |
|---------------------------------|----------------------------|---------------------------|--------------------------|---------------------------------|----------|----------|
| Ип калава<br>ишлаб чиқариш      | 1                          | 0,8                       | 0,6                      | 0,2                             | 2,6      | 0,125    |
| Хом сурп ишлаб<br>чиқариш       | 1,25                       | 1                         | 0,4                      | 0,6                             | 3,25     | 0,157    |
| Газлама ишлаб<br>чиқариш        | 1,66                       | 2,5                       | 1                        | 0,8                             | 5,96     | 0,288    |
| Тайёр маҳсулот<br>ишлаб чиқариш | 5                          | 1,66                      | 1,25                     | 1                               | 8,91     | 0,43     |
| $\Sigma$                        |                            |                           |                          |                                 | 20,72    | 1        |

Бошқа мезонларга мувофиқ таққослашлар қуйида келтирилган:

**5-жадвал. «Истиқбол ривож» мезони бўйича жуфт таққослаш**

|                                 | Ип калава<br>ишлаб чиқариш | Хом сурп ишлаб<br>чиқариш | Газлама ишлаб<br>чиқариш | Тайёр маҳсулот<br>ишлаб чиқариш | $\Sigma$ | $W_{ii}$ |
|---------------------------------|----------------------------|---------------------------|--------------------------|---------------------------------|----------|----------|
| Ип калава<br>ишлаб чиқариш      | 1                          | 0,9                       | 0,7                      | 0,4                             | 3,0      | 0,172    |
| Хом сурп ишлаб<br>чиқариш       | 1,11                       | 1                         | 0,6                      | 0,7                             | 3,41     | 0,195    |
| Газлама ишлаб<br>чиқариш        | 1,43                       | 1,66                      | 1                        | 0,8                             | 4,89     | 0,280    |
| Тайёр маҳсулот<br>ишлаб чиқариш | 2,5                        | 1,43                      | 1,25                     | 1                               | 6,18     | 0,353    |
| $\Sigma$                        |                            |                           |                          |                                 | 17,48    | 1        |

**6-жадвал. «Инвестицияларга эҳтиёж» мезонига мувофиқ жуфт таққослашлар**

|                                 | Ип калава<br>ишлаб чиқариш | Хом сурп ишлаб<br>чиқариш | Газлама ишлаб<br>чиқариш | Тайёр маҳсулот<br>ишлаб чиқариш | $\Sigma$ | $W_{ii}$ |
|---------------------------------|----------------------------|---------------------------|--------------------------|---------------------------------|----------|----------|
| Ип калава<br>ишлаб чиқариш      | 1                          | 0,9                       | 0,5                      | 0,3                             | 2,70     | 0,139    |
| Хом сурп ишлаб<br>чиқариш       | 1,11                       | 1                         | 0,4                      | 0,6                             | 3,11     | 0,160    |
| Газлама ишлаб<br>чиқариш        | 2,0                        | 2,5                       | 1                        | 0,7                             | 6,2      | 0,319    |
| Тайёр маҳсулот<br>ишлаб чиқариш | 3,33                       | 1,66                      | 1,43                     | 1                               | 7,42     | 0,382    |
| $\Sigma$                        |                            |                           |                          |                                 | 19,43    | 1        |

**7-жадвал. «Замонавий фаолиятни бошқариш услубларига эҳтиёж» мезонига мувофиқ жуфт таққослашлар**

|                                 | Ип калава ишлаб<br>чиқариш | Хом сурп ишлаб<br>чиқариш | Газлама ишлаб<br>чиқариш | Тайёр маҳсулот<br>ишлаб чиқариш | $\Sigma$ | $W_{ii}$ |
|---------------------------------|----------------------------|---------------------------|--------------------------|---------------------------------|----------|----------|
| Ип калава<br>ишлаб чиқариш      | 1                          | 0,8                       | 0,5                      | 0,3                             | 2,7      | 0,135    |
| Хом сурп ишлаб<br>чиқариш       | 1,25                       | 1                         | 0,4                      | 0,5                             | 3,15     | 0,158    |
| Газлама ишлаб<br>чиқариш        | 2                          | 2,5                       | 1                        | 0,6                             | 6,1      | 0,306    |
| Тайёр маҳсулот<br>ишлаб чиқариш | 3,33                       | 2                         | 1,66                     | 1                               | 7,99     | 0,401    |
| $\Sigma$                        |                            |                           |                          |                                 | 19,94    | 1        |

Муқобил вариантларни иккилик таққослашда, айниқса уларнинг кўрсаткичларини яқиндан баҳолаш билан, транзитивлик талабларини бузиш ҳолатлари ёки бошқарув қарорларидаги бошқа хатолар мумкин, шунинг учун ИТҚ баҳолашнинг изчиллигини аниқлаш учун махсус механизмни тақдим этади.

9-жадвалга кўра, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси учун фаолият самарадорлигини бошқаришда энг долзарб бўлган фаолият шакли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисобланади.

9-жадвал. Интеграл баҳолашни ҳисоблаш

| Мезонлар \ Фаолият йўналиши                     | Ип калава ишлаб чиқариш | Хом сурп ишлаб чиқариш | Газлама ишлаб чиқариш | Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш | Мезоннинг нисбий улуши |
|-------------------------------------------------|-------------------------|------------------------|-----------------------|------------------------------|------------------------|
| Рентабеллик                                     | 0,125                   | 0,157                  | 0,288                 | 0,43                         | 0,4                    |
| Истиқбол ривож                                  | 0,172                   | 0,195                  | 0,28                  | 0,353                        | 0,2                    |
| Инвестицияларга эҳтиёж                          | 0,139                   | 0,16                   | 0,319                 | 0,382                        | 0,1                    |
| Замонавий фаолиятни бошқариш услубларига эҳтиёж | 0,135                   | 0,158                  | 0,306                 | 0,401                        | 0,3                    |
| Интеграл баҳо                                   | 0,1388                  | 0,1652                 | 0,2949                | 0,4011                       | 1                      |

Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқариш таркиби бир қанча қуйидаги ўзаро боғлиқ ишлаб чиқаришлар: асосий, ёрдамчи, қўшимча ва бошқалардан ташкил топади. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси таркибий тузилмаси асосан қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади: ишлаб чиқариш ҳажмига (корхона ишлаб чиқариш қувати); маҳсулот асортиментига; йириклаштириш, ихтисослаштириш ва кооперация даражаси ҳамда шакллари; корхонанинг техник қуролланиш даражасига. Хулоса қилганда тўқимачилик корхонасининг фаолияти самарадорлигига таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларга асосланган шаффофлик ва назоратни ошириш, рентабелликни ошириш ва рискларни камайтириш, шунингдек, корхонанинг ҳар бир ривожланиш босқичида муаммоларни башорат қилиш учун муқобил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун амалга оширилди. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси учун фаолият самарадорлигини бошқаришда энг долзарб бўлган фаолият шакли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисобланади, ҳамда бошқарув қарорини белгилашда йўналишнинг истиқболлари, сармояларга бўлган эҳтиёж ва замонавий фаолиятни бошқариш услубларига бўлган эҳтиёж кўриб чиқилган.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги фармони.
2. 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони
3. F.P.Azimova “То‘қимачилик sanoati korxonalari faoliyati samaradorligini boshqarishni takomillashtirish” nomli Monografiya. Toshkent-2022y.
4. Йўлдошев Н.Қ. ва бошқалар. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2003. 102 б.
5. Исаев Р.А. ва бошқалар. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнес-режа (I ва II қисм). –Т.: Тафаккур, 2011. -516 б.
6. Исаев Д., Духонин Е., Мостовой Э. Управление эффективностью бизнеса. Концепция Business Performance Management. - М.: Альпина Паблишер, 2019. – 288 с.
7. Yo‘ldoshev N.Q., Qozoqov O.S. Menejment: darslik. – Т.: Fan, 2004. -644 б.
8. Yo‘ldoshev N.Q., Yusupov S.Sh., Zaxidov G`. Menejment asoslari va biznes reja. – Т.: Fan va texnologiya, 2016. – 244 б.

*Тўқимачилик корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда молиялаштириш тамойилининг таъминланиши хусусида*

**Резюме.** Мақолада тўқимачилик корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва сифатини, меҳнат унумдорлиги ҳолатини, таннарх даражасини энг тўлиқ акс эттирувчи кўрсаткичлардан рентабелликни ошириш учун қурилган мақсадлар дарахти тўғрисида баён этилган.

**Таянч сўзлар:** тўқимачилик саноати, рентабелликни ошириш, инвестиция.

*Развитие предприятий, повышение эффективности деятельности, финансирования, обеспечения частной безопасности*

**Резюме.** В статье рассказывается о дереве ценностей, построенном для повышения эффективности деятельности текстильных предприятий, повышения рентабельности по показателям, наиболее полно отражающим объем и качество выпускаемой продукции, состояние труда, производительность и уровень затрат.

**Ключевые слова:** текстильная промышленность, повышение рентабельности, инвестирование.

*Development of enterprises, increased efficiency of activity, financing, provision of private security*

**Summary.** In the article, it is described about the tree of values built to increase the efficiency of the activity of textile enterprises, to increase the profitability from the indicators that most fully reflect the volume and quality of the produced products, the state of labor productivity, and the cost level.

**Key words:** textile industry, increasing profitability, investing.

## TRANSPORT XIZMATLAR BOZORINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI

### Xalmuratov K.P.

*Qoraqalpogʻ davlat universiteti*

Hozirda jahon iqtisodiyoti tashqi, ichki transport sabablari va omillari bilan bogʻliq muammolarni boshdan kechira boshladi. Ulardan baʼzilari quyida taqdim etiladi.